

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА ДИЛШОДА ИКРОМЖОНОВНА**

**ЎЗБЕК – ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИНГ  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ҲАМДА ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Мирзаева Дилшода Икромжоновна**

Ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг лингвокультурологик  
ҳамда прагматик тадқиқи ..... 3

**Мирзаева Дилшода Икромжоновна**

Лингвокультурологическое и прагматическое исследование пословиц и  
поговорок в узбекско-английском языке ..... 25

**Mirzaeva Dilshoda Ikromjonovna**

Linguoculturological and pragmatic study of proverbs and sayings in the  
Uzbek-English language ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА ДИЛШОДА ИКРОМЖОНОВНА**

**ЎЗБЕК- ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИНГ**  
**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ҲАМДА ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира**  
**тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD//Fil1450 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Набиева Дилора Абдухамидовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хошимов Ғанижон Мирзааҳмедович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Усмонова Ҳуринисо Шараповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Кўкон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат Университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ҳ. Шаҳобитдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Ф.Ф. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

**М.Э. Умарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида кейинги йилларда тилдаги мақол ва маталларнинг лингвокультурологик ҳамда прагматик томонларига эътибор кучайди. Мақоллар инсон тафаккури маҳсули сифатида ўз яратувчиси бўлган халқнинг миллий, маданий, этник ва ментал табиатини намоён этади. Бу эса мақол бирликларни антропоцентрик параметрлар асосида, инсон омили нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади. Мазкур йўналишдаги изланишлар тилнинг мақол фонди қиёсий тадқиқи доирасида эришилган ютуқларни хорижий тилларни интенсив эгаллаш амалиётига фаол татбиқ этишда, маданиятлараро мулоқот компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда, ўзбек-инглиз тили қиёсий аспектида изоҳли, ассоциатив ва когнитив луғатларни яратишда амалий аҳамиятга эга.

Дунё тилларида мақол ва маталларнинг олам лисоний манзарасини акс эттиришдаги ўзига хос ўрни барча даврларда тилшунослар томонидан эътироф этиб келинган. Бугунги кунда турли тизимли тилларда концептуал ахборотнинг мақол ва маталлар воситасида воқелантирилиши муаммонинг коммуникатив-прагматик, лингвокультурологик жиҳатдан нақадар муҳим эканлигини, масаланинг когнитив тадқиқи заруриятини кўрсатади. Мақол бирликларнинг турли тиллар доирасидаги қиёси нафақат уларнинг муштарак ва хусусий жиҳатларини ёритишда, балки тилнинг мақол фонди тараққиётига хос мазмуний ва шаклий ўзгаришларни, дискурсда улар воситасида намоён бўладиган прагматик ахборот ва прагматик мақсадни, турли маданиятларга хос тил ва тафаккур муносабатларини аниқлашда, шунингдек, интерпретация жараёнининг умумтил доирасида воқеланиш тамойилларини белгилашда назарий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида тилшуносликда мақол фондини лингвистик жиҳатдан ўрганишга, бу бирликларнинг лексик-семантик, функционал, прагматик, концептуал, когнитив, лингвомаланий, аксиологик хусусиятларини ёритишга жиддий эътибор қаратилди. Бироқ ўзбек-инглиз тили дискурсида мақол ва маталлар прагматикаси, миллий-маданий коннотацияси, қиёсий аспектдаги лингвокультурологик хусусиятлари атрофидаги муаммолар тўлиқ ҳал этилган эмас. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup> вазифалари устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу вазифани амалга оширишда тилшунослик фани доирасидаги тадқиқотлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг лингвокультурологик ҳамда прагматик тадқиқи қиёсий тилшуносликнинг ривожланиши ҳамда такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида”ги ПҚ-2909-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон, 2017 йил 8 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорларида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирга қадар жаҳон тилшунослигида тил мақол фондининг функционал-коммуникатив ва структурал-семантик жиҳатлари юзасидан махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур изланишларда мақол ва маталлар иккиламчи номинациясининг ўзига хос хусусиятлари, улардаги экспрессив-эмоционал потенциалнинг дискурсда воқеланиши, халқ мақол фонди шаклланиши ва ривожланиши жараёнида миллат тафаккурининг ўзига хос ўрни ҳамда уларнинг таржима муаммолари кенг миқёсда тадқиқ этилган бўлиб, бу борада жаҳон<sup>2</sup>, рус<sup>3</sup> ҳамда ўзбек<sup>4</sup> тилшунослигидаги бир қатор ишларни эътироф этиш мумкин.

---

<sup>2</sup> Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 398 с.; Крикманн А.А. Опыт объяснения семантических механизмов пословицы // Паремииологические исследования: Сб. ст. – М.: Наука, 1984. – С.149-178; Сэпир Э. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии: Пер. с англ. / Общ.ред. и вступ. ст. А.Е. Кибрика. – М.: Издательская группа «Прогресс», «Универс», 1993. – 656 с.; Уорф Б.Л. Наука и языкознание / Б.Л.Уорф / Новое в лингвистике. Вып. 1. – М., 1960. – С.169-182; Ronald R. English Proverbs Explained. – London and Sidney: Pan Books, 1969. – 224 p.; Fox A. Oral and literature culture in England. – Oxford: Oxford University Press, 2002; Smith W.G. The Oxford Dictionary of English Proverbs. – Oxford, 1935. – P.13.

<sup>3</sup> Воронин С. Семантические идеи в зарубежном языкознании. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. – 199 с.; Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. 944 с.; Пермьяков Г.Л. Основы структурной паремииологии. – М.: Наука, 1988; Потебня А.А. Из лекций по теории словестности. Басня.

Ўзбек фольклоршунослиги ва тилшунослигида халқ мақоллари бир қатор олимлар томонидан монографик тадқиқ этилган. Жумладан, М.Садриддинова ишида ўзбек мақол ва маталлари лексикаси, бир томондан, ўзбек адабий тили лексикаси билан, иккинчи томондан эса, лаҳжа ва шевалар лексикаси билан қиёслаб ўрганилган<sup>5</sup>. Б.М.Жўраева ўзининг номзодлик диссертацияси<sup>6</sup>да мақолларнинг маъновий ва услубий жиҳатларига, яъни кўп маънолилиги, синонимлиги ва вариантлилигига; докторлик диссертацияси<sup>7</sup>да эса уларнинг функционал-стилистик, коннотатив-баҳо муносабатларини семантик-прагматик жиҳатдан таҳлил этишга эътибор қаратган бўлса, Ш.Ш.Қаландаров иши<sup>8</sup>да ўзбек халқ мақолларининг эвфемик қўлланиши лингвистик таҳлил этилган.

Антропоцентрик мақолларни аксиологик талқин қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, уларда антропоморфик маданий кодни ифодалаш доирасидаги изланишлар Р.У.Маджидованинг докторлик<sup>9</sup>, номиноцентрик мақолларни типологик аспектда тадқиқ этиш П.У.Бакировнинг номзодлик диссертацияси<sup>10</sup>ни яратишга асос бўлган.

---

Пословица. Поговорка // Потенбя А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 98-111; Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 944 с.; Журавлев А. Звук и смысл. – М.: Просвещение, 1980. – 155 с.; Любимова Н.А., Пинежанинова Н.П., Сомова Е.Г. Метафора в поэтическом тексте. – СПб.: Изд-во СПбГУ, 1996. – 214 с.; Арутюнова Н.Д. Введение // Логический анализ языка: Образ человека в культуре и языке: Сб. ст. / Отв. ред. Н.Д.Арутюнова, И.Б.Левонтина. – М.: Индрик, 1999. – С.3-10; Артеменко Т.П. Специфика семантики пословиц сравнительно с семантикой собственно фразеологизмов // Вопросы семантики фразеологических единиц (на материале русского языка). Тез. докл. и сообщ. Ч.1. – Новгород, 1971. – С.7-9; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт / Н.Д.Арутюнова. – М.: Наука, 1988. – 341 с.; Благова Г.Ф. Пословица и жизнь: Личный фонд русских пословиц в историко-фольклористической ретроспективе / Г.Ф.Благова. – М.: Издат. фирма «Восточная литература» РАН, 2000. – 222 с.; Булыгина Т.В., Шмелёв А.Д. Языковая коцептуализация мира (на материале русской грамматики). – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – 576 с.; Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж: ВГУ, 1996. – 104 с.; Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – Москва, 1976 (2-е изд.).

<sup>4</sup>Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 133 с.; Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 224 б.; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсақов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.91, Мирзаева Т., Мусоқулов А., Саримсақов Б. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 108 б.; Садриддинова М. Лекция узбекских пословиц и поговорок: АКД. – Ташкент, 1985. – 20 с.; Саримсақов Б. Мақоллар / Ўзбек фольклори. 1-жилд. – Т.: Фан, 1988. – Б.85-98.; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент, 2001. – Б.323; Karamatova K.M., Karamatov H.S. Proverbs, Maqollar. – Toshkent: Mehnat, 2000. – P.41; Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.; Хакимов М., Газиева М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – Фарғона, 2020. – Б.230; Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 72 б.

<sup>5</sup> Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 18 с.

<sup>6</sup> Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. .... дисс. – Тошкент, 2002. – 136 б.

<sup>7</sup> Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Самарқанд, 2019. – 230 б.

<sup>8</sup> Қаландаров Ш.Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси: Филол. фан. фалс. д-ри ... дисс. – Фарғона, 2019. – 144 б.

<sup>9</sup> Маджидова Р.У. Аксиологическое исследование антропоцентрических пословиц (на материале узбекского и русского языков): Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ферғана, 2020. – 268 с.

<sup>10</sup> Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2007. – 286 с.

Бирок бугунга қадар ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг лингвокультурологик ҳамда прагматик тадқиқи масаласи тилшуносликда маълум бир муддат эътибордан четда қолди. Бу эса мазкур йўналишларда махсус тадқиқотларнинг амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшунослик муаммолари» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг халқ миллий-маданий, когнитив тафаккурини воқелантиришдаги концептуал ҳамда лингвокультурологик ўзига хосликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўрганилаётган тиллардаги мақол фондининг халқ миллий-маданий тафаккурини воқелантириш манбаи эканлигини ва миллий қадриятларнинг уларда қай даражада акс этишини ўрганиш;

ўзбек-инглиз мақол ва маталларини қиёслаб, уларнинг мазмуний муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш;

ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг олам лисоний манзарасидаги элементлар миллий-маданий коннотациясини акс эттиришини аниқлаш;

тилдаги мақол фондининг халқ тафаккурини акс эттирувчи лингвокультурологик жиҳатларини таҳлил этиш;

ўзбек-инглиз тилларидаги халқ ҳикматларининг лингвокультурологик жиҳатларини замонавий тилшуносликда ўрганилиш ҳолатини тизимли ёритиш ва танқидий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг функционал-семантик, лингвокультурологик ва концептуал-прагматик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-типологик, дифференциал-семантик, лингвокультурологик, лингвокогнитив, лингвостатистик ва прагматик таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек лингвомаданиятида “она” концептининг паремик бирликлар билан ифодаланиш даражаси баландлиги, инглиз лингвомаданиятида эса утилитар ва моддий қадриятларнинг паремалар орқали кўпроқ ўз ифодасига эга бўлиши далилланган;

ўзбек-инглиз мақол ва маталларида меҳнаткашлик, макон ва замон, эркинлик тушунчалари муштарак баҳоланиши, ватанпарварлик ва оилавий муносабатлар эса аксиологик жиҳатдан фарқланиши кўрсатиб берилган;



мақол ва маталларнинг сўзлашув ва бадий дискурсда модал муносабатларни ҳамда инсоннинг ахлоқий, интеллектуал, эстетик ва эмоционаллик даражаларини ифодалаши далилланган;

хар икки тилда қиёсланаётган мақол ва маталларда миллий-маданий коннотация акс этиши, шу коннотациялар асосида инглизларда инсон ўз тақдирини бошқаришига ишониши, ўзбеклар эса тақдирнинг битилганига ишончи акс этиши далилланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тилдаги мақол бирликларнинг ўзбек ва инглиз тилидаги қиёси асосида дискурсда воқеланадиган прагматик мақсад ва прагматик маънонинг ифодаланиш усуллари, маданий кодлар асосида концептуаллаштириш масалалари, ўрганилаётган тиллардаги мақол бирликларга хос умумий ва хусусий жиҳатларнинг аниқланиши ўзбек ва инглиз тилшунослигини, асосан, паремиология, фразеология бўлимини янги илмий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган;

“Лингвокультурология”, “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш”, “Фразеология”, “Прагмалингвистика”, “Чоғиштирма тилшунослик” каби фанларни ташкил этиш ва ўқитишда диссертация материалларидан самарали фойдаланиш мумкин;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган мисолларнинг тадқиқот предметиға мослиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, назарий тилшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда турли тизимли тиллардаги паремик бирликларнинг прагматик ва лингвокультурологик хусусиятлари қиёсий тадқиқ этилган бўлиб, у ўзбек ва инглиз тиллари паремиологияси, фразеологияси, лингвокультурологияси, лингвопрагматикаси, хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, қиёсий типология ва таржимашунослик билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдирди ва кенгайтирди. Диссертация натижалари фразеологиясининг назарий жиҳатдан тараққий топишиға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан янги типдаги ўзбек ва инглиз тиллари корпусларини яратиш, мақол ва маталлар изоҳли луғатларидаги изоҳ ва шарҳларни мукамаллаштиришда ҳамда янги таржима луғатларини тузишда кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, аниқланган натижалар ўзбек ва инглиз тилшунослигида паремиология, лингвокультурология, прагмалингвистика соҳаларига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш учун имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек-инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг лингвокультурологик ҳамда прагматик тадқиқини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

турли тилларда “она” концептининг серқирра ва паремик ифодаларга бойлиги, инглиз лингвомаданиятида эса моддий қадриятларнинг шундай хусусиятга эга эканлиги хусусидаги №ОТ-А1-53 давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги амалий лойиҳаси доирасида яратилган “Translation in use” дарслигини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 13 ноябрдаги ИРД/21185-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа илмий жиҳатдан бойитилди, хусусан, ушбу лойиҳанинг тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатларига доир назарий асослари такомиллаштирилган;

ўзбек-инглиз мақол ва маталларида аниқланган муштарак ҳамда фарқли хусусиятлар хусусидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016) ва ФА-А1-Г007 рақамли «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзуларидаги фундаментал ва амалий-илмий лойиҳаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 октябрдаги 17.01/07-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ нақл-мақолларининг ўзига хос жиҳатларининг лингвистик тадқиқи назарий жиҳатдан бойитилган;

мақол ва маталларнинг дискурсада модал муносабатларни ҳамда инсоннинг ахлоқий, интеллектуал, эстетик ва эмоционаллик даражаларини ифодалаши ҳақидаги илмий хулосалардан Ausbildung und Arbeit Plus GmbH ўқув маркази маърузачиси Johan Meyer ўз дарсларида фойдаланган (Ausbildung und Arbeit Plus GmbH ўқув марказининг 2021 йил 12 ноябрдаги 151/21-сон маълумотномаси). Натижада чет тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчи талабалар учун мўлжалланган маърузалар мазмуни бойитилган;

мақоллар қўлланган бадиий дискурсининг ментал, руҳий ва эмоционал жиҳатлари, прагматик потенциалига оид илмий-назарий хулосаларидан Республика ижодкорлари уюшмаси лойиҳалари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 23 декабрдаги 01-03/1620-сон маълумотномаси). Натижада бадиий дискурсада паремиологик бирликлар воситасида намоён бўладиган эмоционал-экспрессив, стилистик ва прагматик тамойиллари ижод жараёни муаммоларини ҳал этишга кўмаклашган;

ўзбек ва инглиз тилидаги мақол бирликларининг “она”, “ватан”, “бахт”, “меҳнат” сингари маданий кодлар асосидаги концептуал хусусиятларига доир хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан “Миллат ва маънавият”, “Таълим ва тараққиёт” номли эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 9-ноябрдаги ЎзР-04-25-1758-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва инглиз тилларидаги мақол ва маталларнинг “она”, “ватан”, “бахт”, “меҳнат” маданий кодлари ҳақида радиотингловчилар янги маълумотларга эга бўлди ҳамда ушбу эшиттиришлар сценарийси мазмунан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика анжуманида маъруза шаклида баён қилинган, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда нашр этирилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мақол ва маталлар антропоцентрик тадқиқ объект сифатида”** деб номланган биринчи боби уч фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фаслида тил бирликлари оламнинг лисоний манзарасини акс эттириш воситаси эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Дунёнинг лисоний образи бизни дунё ҳақида ўйлашга, атрофимиздаги реалликни талқин қилиш (интерпретация) жараёнида фикрлашга ундайдиган модель, когнитив маҳсулот ҳисобланса, дунёнинг лисоний тасвири бу атроф-муҳитни тасвирлашга ҳамда у ҳақда сўзлашга имкон яратувчи маълумотлар тизимидир. Табиийки, у ёки бу ҳодиса ҳам ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир кучига эга бўлган дунё модели сифатида англонади. Дунёнинг лисоний тасвири эса руҳиятимизнинг бутун борлигидан кўра кўпроқ тилшуносларнинг текшириш объекти ҳисобланади. Табиийки, шу асосда гносеологик нуқтаи назардан фанга иккита термин – дунё образи ва дунёнинг лисоний тасвири (ДЛТ) кириб келди.

Дунё манзараси борлиқдаги ҳодисаларнинг ўзгариши натижасида турланиб борар экан, бунда лисоний тасвир консерватив характерга эга бўлиб, у, одатда, аждодлардан мерос бўлиб, бир тилда сўзлашувчиларнинг наслий меросини сақлаб беради ва неча минг йиллар давомида шаклланиб боради. В.А.Маслова фикрича, дунёнинг миллий тасвири миллатнинг умуммаданий бойлиги бўлиб, у аниқ тузилмага эга ва кўп қирралидир. Айнан дунёнинг лисоний тасвири муомала мулоқотини таъминлайди, инсоннинг ички ва ташқи дунёсини англатади<sup>11</sup>. Европа тилларида лексика ҳажман ҳосилавий бирлик бўлиб, уларда моддий дунёда “борлигича” берилган

<sup>11</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология.– М.: АCADEMIA, 2001. – С.183.

реалияларнинг қандай қабул қилинганлиги, уларнинг англашилганлиги ва номланганлигини кўриш мумкин.

Дунёнинг лисоний тасвири тилнинг тўлиқ тизими сифатида мақолларнинг ясалишида иштирок этадиган ва улардаги қарама-қаршиликларни юзага келтирадиган семантик категориялар атрофида ташкил қилинади. Инсоннинг дискурсив фаолиятидаги ҳеч қандай бирлик, шу жумладан, мақоллар ҳам бу тизимнинг чегараларидан ташқарида, яъни концептуал хусусиятлари аниқланмасдан қолмайди.

Бобнинг *“Тилда мақол ва маталларнинг когнитив ҳамда номинатив хусусиятлари”* деб номланган иккинчи фаслида мақол ва матал тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқи, когнитив жиҳатдан тадқиқ этиш тамойиллари ва усуллари, бу birlikларнинг номинатив хусусиятлари қайд этилган.

Олимлар ўртасида мақол ва маталларга қараш борасида умумийлик йўқ. Мақол ва маталлар ўзаро фарқланар экан, *“матал нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг ишлатиладиган фразеологизм ва нутқ оборотларидир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди”*<sup>12</sup>, дея таъкидланади.

Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловлар мақолга *“грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, кичик, ихчам, ўткир мазмунли, кўчма маънода ёки ҳам кўчма маънода, ҳам ўз маъносида қўлланадиган ҳикматли халқ иборалари”*, маталга эса *“тарбиявий, панд-насихат маъноларини ифодаловчи, грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклда бўлган, фақат ўз маъносида қўлланиладиган, қисқа, ихчам ибора”*<sup>13</sup> сифатида таъриф берадилар.

Одатда, маталлар сўзловчи нутқининг таъсирчанлигини оширади, ифодани гўзаллаштиради. Мақолларда ҳаётда рўй берган бирор воқеага умумлаштирилган ҳолда ҳукм чиқарилади, яъни улар тасдиқ ёки инкор ҳукмига эга бўлади. Шунингдек, мақолларда фикр мазмунан тугалланган бўлади ва алоҳида-алоҳида қўлланилса ҳам, муайян мазмун ифодалай олади. Маталлар эса сўзловчи нутқи таркибининг бирор муҳим қисми сифатида ишлатилади ва маталларни алоҳида қўллаш мумкин бўлмайди, чунки улар мазмунан тугал фикр англатмайди<sup>14</sup>.

Илмий адабиётларда мақол ва матал тушунчасини бир-бири билан чалкаштириш мавжуд. Ҳатто *“Ўзбекистон қомуси”*да ҳам *“мақол”* мақоласига матал, *“матал”* мақоласига мақол мисол сифатида келтирилган. Айтиб ўтиш жоизки, олиб борилган илмий кузатишлар мақол ва матал ўртасида фарқ борлигини кўрсатмоқда, яъни *“мақол алоҳида қўлланганда тугал фикр билдиради ва ҳаётда учраб турадиган ўхшаш лавҳани изоҳлайди. Матал алоҳида қўлланганда мустақил маъно ифодаламайди ва нотик фикрининг бадийлигини ошириш учун хизмат қилади”*<sup>15</sup>.

Мақол дунёнинг лисоний тасвири намунасидир. Мақол ва маталлар доимо субъектга йўналтирилган, аниқроғи, улар дунёни тасвирлаш учун

<sup>12</sup> Саломов Ғ. Тил таржимаси асослари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.25.

<sup>13</sup> Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.15

<sup>14</sup> Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент, 2013. – Б.32.

<sup>15</sup> Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент, 2013. – Б.35.

эмас, балки улар дунёни талқин қилиш (интерпретация), баҳолаш ва унга нисбатан субъектив муносабатни ифодалаш учун яратилган<sup>16</sup>.

Ҳар қандай тилдаги мақол ва маталлар шу тилда сўзлашувчи миллат когнитив тафаккури маҳсули саналади. Ана шу жиҳатдан бугунги кунда дунё тилшунослигида нисбатан янги йўналиш сифатида майдонга келган “когнитив тилшунослик” муаммолари доирасида бу йўналишда тил ва тафаккур муносабати масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Когнитив тилшуносликда тилдаги мақол ва маталлар фондини таҳлил қилишнинг қуйидаги тамойиллари<sup>17</sup> мавжуд: 1) мақол ва маталлар реал борлиқ ва концептуаллашган дунё ўртасидаги фарқларни кўрсатишнинг муҳим воситаларидан бири саналади; 2) кўп ҳолларда мақол ва маталлар мазмунидаги борлиқ ва концептуал дунё бир-бирига тўла мос келмайди; 3) мақол ва маталлар ифодалаган маъно концептуализациянинг натижаси саналади; 4) мақол ва маталлар концептуаллашган дунёнинг тузилишини тасвирлайди; 5) инсонлар томонидан мақол ва маталларни тизимлашда лисоний ахборотни тартиблашда қўлланиладиган когнитив жараёнлар ишлатилади; 6) инсонлар когнитив жараёнларда ифода қилинадиган мақол ва маталларни ахборот сифатида тизимлашда туғма қобилиятга эга; 7) инсон мақол ва маталлардан ўз ментал оламини яратишдаги жараёнларда фойдаланади; 8) мақол ва маталларнинг семантикаси ва прагматикасини фарқлаш жуда мураккаб; 9) инсон онгида узлуксиз когнитив фаза ва маҳсус когнитив жараёнлар содир бўлиб турадики, улар воситасида мақол ва маталлар маъноси нутқ актида воқеланади.

Мақол ва маталларнинг аниқ моделини ўрганиш уни номлаш моҳиятини таҳлил қилишга ёрдам беради, чунки ҳар бир мақолга хос лисоний қолип бизни ўраб турган борлиқдаги мавжуд муносабатларни умумлаштиради. Мақол бирликлари тажрибадан маълум бўлган ҳолатни янги тушунчалар билан боғлашга ёрдам беради. Бу каби бирликлар яралиши инсоннинг таснифлаш, англаш фаолиятида жиддий аҳамият касб этади ҳамда бизни ўраб турган борлиқни қисмларга ажратиш имконини беради. Иккиламчи номлаш жараёни ҳосиласи бўлган мақол ва маталларни ўрганиш муайян халқнинг дунёни тил орқали тасвирлашига оид миллий жиҳатларини очишга ёрдам беради. Янги мақол элементлари у ёки бу халқнинг маданий, тарихий тажрибаси акс этган воқеликни образли қабул қилиши натижасида юзага келар экан, бу борада номлаш асосига юкланган воқеликнинг ўзига хос жиҳатларини танлаши ҳам тасодиф эмас.

Биринчи бобнинг 3-фаслида мақол ва маталларда миллий-маданий коннотацияларнинг воқеланиши ёритилган.

Тил бирликларининг миллий-маданий ўзига хослиги назарияси кенг ривожланаётганига қарамасдан, унинг тушунчавий-терминологик аппарати эндигина шаклланиб келмоқда. Ушбу билим соҳасининг “миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий-маданий маъно” ва маънонинг “маданий

<sup>16</sup> Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: Тетра-Системс, 2004. – Б. 84.

<sup>17</sup> Артеменко Т.П. Специфика семантики пословиц сравнительно с семантикой собственно фразеологизмов // Вопросы семантики фразеологических единиц (на материале русского языка). Тез. докл. и сообщ. Ч.1. – Новгород, 1971. – С.7-9.

компоненти” каби бир қатор асосий тушунчалари бир хил мазмундаги таърифга эга эмас ва шуниси муҳимки, уларни баҳолаш ва аниқлаш методикаси мезонлари ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган<sup>18</sup>.

Кўпгина тилшунослар<sup>19</sup> мақол ва маталлар семантик тузилмаси мураккаб бўлиб, унда сўзлар турлича ҳолатни эгаллаши ва маънонинг асосий ёки асосий бўлмаган, эксплицит ёки имплицит элементлари ичига кириши мумкин бўлган алоҳида маданий компонент мавжудлигини қайд этишган.

Мақол семантик таркибининг маданий компоненти ҳақидаги жамики мавжуд фикрларни ҳисобга олиб (Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров изидан бориб), маънонинг маданий компоненти сифатида мақол мазмунига тааллуқли миллий маданиятни тўғри ва бевосита акс эттирадиган қисмини тушуниш мумкин<sup>20</sup>. Бу ўринда маданий компонент мақолнинг семантик таркибига кириши ва миллий мансублик семасида мужассамлашиши кузатилади.

Коннотация тушунчаси илмий манбаларда турли хил маъноларда қўлланади. Баъзи бир манбаларда<sup>21</sup> бу тушунчага нисбатан стилистик ва коннотатив атамалари синоним тарзда қўлланилиб, стилистик маънога ўхшатилади. Бир қатор олимлар эса коннотация фақат стилистик доира билан чекланиб қолмаслигини таъкидлашса, В.И.Говердовскийнинг қайд этишича эса, “коннотатив мазмунли сўзларни соф стилистик муаммолар қаторига киритиш мумкин эмас, чунки улар ҳар доим инсоннинг ушбу маданиятда тарбия топиши натижасида унда пайдо бўладиган муайян тажрибага суянади”<sup>22</sup>.

Бизнинг тадқиқотимизда коннотатив маънонинг иккинчи ҳолатдаги маъносига урғу берилади, чунки бу лексик бирлик семантикасида миллий-маданий ўзига хосликни акс эттиришнинг бир-биридан жиддий фарқ қиладиган усулларини, яъни сўзнинг семантик таркибида маънони компонент сифатида ва лексик бирликнинг доимий ассоциатив алоқалари даражасида (коннотациялар) чегаралаб олиш имкониятини беради. Коннотация мақолларнинг жуда муҳим семантик компонентларидан бири ҳисобланади. Маданий коннотация муайян бир маданиятнинг қадриятлари орқали аниқланади. Бу нарса алоҳида олинган бир миллат ёки маданият учун хос бўлган хусусиятларни ўз ичига олади.

М.Умарходжаевнинг таъкидлашича, “миллий коннотация мақолларда ифода этилган образли ассоциатив асоснинг мавжуд маданий-миллий стереотипларга муносабатини лингвистик интерпретация қилиш натижасида

---

<sup>18</sup> Харитончик З.А. Способы концептуальной организации знаний в лексике языка // Язык и структуры представления знаний: Сб. науч.-аналит. обзоров. – М.: ИНИОН РАН, 1992. – С.97-123.

<sup>19</sup> Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – Москва, 1976 (2-е изд.) – С.17.

<sup>20</sup> Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. О пословицах, поговорках и крылатых выражениях в лингвострановедческом учебном словаре. В кн.: Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения. Лингвострановедческий словарь. – М.: Русский язык, 1979. – С.3-17.

<sup>21</sup> Телия В.И. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – С. 288.

<sup>22</sup> Гвоздарёв Ю.А. Пословицы и поговорки как объект лингвистического исследования (на материале фольклора народов Северного Кавказа) // Известия высших учебных заведений. – Северо-Кавказский регион: Общественные науки, 1995. – № 4. – С. 68-61.

аниқланади”<sup>23</sup>. Масалан, ҳинд шеърлятида *сигир* сўзи нафосат, меҳрибонлик, буюклик, битмас-туганмас оналик муҳаббати тушунчаларини воқелантириш учун хизмат қилса, ўзбек тафаккурида эса бу каби ифода кулги қўзғатиши табиий. “Қадимги юнон ва мисрликларда ҳам сигир концепти асосида гўзал маъшуқа тимсоли воқелантирилган”<sup>24</sup>.

Кўринадики, муайян халқнинг тарихий тараққиётидаги ўзига хослик ўша халқнинг анъаналари, лисоний онги ва маданий тафаккури, фалсафий ва диний қарашлари билан узвий боғлиқ бўлади.

Турли маданиятлардаги поэтик қаҳрамонларнинг хулқ-атворлари, стереотиплари турлича бўлади ва бу фарқланишлар мақол ҳамда маталларда ўз ифодасини топади. Ўзбек маданиятида тулки қопқоннинг тўрини узиб қутулса, Европа маданиятида эса қопқонга илинган тулки тўрни эмас, ўз оёғини ғажиб қутулиши мумкин. Бу далилни тўғри изоҳлаш унинг тилга кўрсатадиган таъсирига боғлиқ. Маданиятлар ўртасидаги ушбу фарқни тил воситалари орқали изоҳлаб бериш мумкин. Бунда тўр билан қопқон ҳақидаги тасаввур муҳим. Тўр ипдан тўқилади, уни узиш имконияти бор. Қопқон темирдан ясалади, уни ғажиб бефойда. Ёки бирор изтироб, кулфатдан қутулишда ўзгалар (тўр)га зарар етказиш ва, аксинча, ўз мулки (ўз оёғи)дан имкон топиш каби тасаввурлар ўртадаги фарқланишларга сабаб бўлади.

Инглизларда шундай мақол бор: “**If you love, love the moon; if you steal, steal a camel**”. Сўзма-сўз таржима қилинганда: “Агар севсанг, ойни сев, ўғирласанг, туя ўғирла”, “Осилсанг, баланд дорга осил”. Бунинг сабаби шундаки, саҳро шароитида туядек қимматбаҳо, фойдали жонивор бўлмайди. Араб мамлакатларида яхши зотдор туянинг нархи охириги маркадаги ўрта классдаги “Мерседес” русумли седан автомобилнинг нархига тенг. Шу мазмундаги яна бир мақол бор: *Where a camel is sold for a cent, the ass is worthless*. Бу мақол инглизларнинг Эрон миссияси даврида XVIII-XIX асрларда яратилган. Мақолнинг сўзма-сўз таржимаси: “Агар туя бир центга сотилса, эшакни биров бекорга ҳам олмайди”. Бу мақол туя ва эшакнинг қиёсий қийматларини ифода этади. Аммо бу ўта нисбий тушунчадир. Масалан, тоғга яқинроқ жойларда туяга эҳтиёж йўқ, у ерда эшак фойдалироқ, саҳрода туя ҳукмрон, эшакнинг қадри эса сариқ чақа ва шу каби.

Турфа маданиятларга хос мақолларни тадқиқ этишда ҳар иккала тилда ҳам мавжуд бўлган, лекин турлича воқеланадиган халқ ҳикматларига эътибор қаратиш лозим бўлади, чунки бундай мақоллар тадқиқ объекти бўлган тил ҳақида янги хулосаларни тақдим этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир мақол ўзи тегишли бўлган халқ тафаккурини акс эттирар экан, унинг ҳақиқий маъносини билиш учун, тушуниш учун уни “лисоний интерпретация”<sup>25</sup> қилиш, яъни ҳар бир мақолни контекстдан ажратмаган ҳолда, талқин этиш зарур бўлади.

Мақолларни қўллашда айрим муаллифлар ўзларининг ижодий потенциалларини кенг намоиш этадилар. Бу ҳолат, айниқса, инглиз тилида

<sup>23</sup> Умарходжаев М.И. Центр и периферия во фразеологии // ИАН СЛЯ, 1980. – № 2. – С.147-152.

<sup>24</sup> Саломов Ғ. Мақол ва маталлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.31.

<sup>25</sup> Витковская Ф. Взаимодействие языковой формы и содержания в русской паремииологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Минск, 1986. – С.18.

“Decomposition of set phrases” деб аталадиган услубий воситада яққол кўзга ташланади. Масалан, ўзбек тилидаги “Пашшадан фил ясамоқ” мақоли асосида ёзувчи “Пашшадан фил у ёқда турсин, хоҳлаган нарсангизни ясаб беради” тарзидаги декомпозиция яратган. Ана шу тариха мазкур мақолга иккинчи ҳаёт берилган, уни янгича қўллаш имконияти реализация қилинган.

Иккинчи боб “**Мақол ва маталларнинг прагматик таҳлили**” деб номланади. Бобнинг “*Мақол ва маталлар прагматик хусусиятларининг дискурсда воқеланиши*” номли 1-фаслида дискурсда воқеланадиган прагматик ахборот, прагматик мақсад ҳақида фикр юритилган.

Мақол бирликлар семантикасида коммуникатив интенция талабларига кўра ҳосил бўладиган прагматик ахборот нутқ жараёнида ёки дискурсда муайян коммуникатив вазиятда воқеланади ва шу йўл билан уларда, сўзловчи истаганидек, лингвистик ва экстралингвистик, тарихий-маданий, ижтимоий ва иқтисодий маълумотлар жамланган бўлади. Улар нафақат юқорида қайд этилган ахборотлар йиғиндиси, балки дискурс қатнашчиларининг мақсад ва муносабатларини ифодаловчи восита ҳамдир.

Мақол ва маталлар семантикасида ифодаланган прагматик ахборотда прагматик мақсад ва муносабат, коннотатив образлик, миллий-маданий ўзига хосликлар бошқа лисоний бирликларга қараганда кучлироқ ифодаланади. Прагматик ахборотдаги маънони англашда мақол таркибидаги қуйидаги макростратегик координатлар аниқланади: мақолни қўллашдан асосий мақсад (мақолнинг нутқий функцияси); мақолни қўллашда амалга ошириладиган нутқий ҳаракатлар, уларнинг мантикий кетма-кетлиги; нутқий ҳаракатлар орқали фаол коммуникантлар ўртасида прагматик муносабатлар (субъект-объект муносабатлари); мақол қўлланилган дискурсининг прагматик потенциали (унинг китобхонга, тингловчига кўрсатадиган ментал, руҳий ёки эмоционал таъсири); мақолни қўллашга қарор қилган ёзувчи ёки сўзловчининг мазкур дискурсдаги коммуникатив интенцияси ёки мулоқотдан кўзда тулган нияти.

Мақол ва маталлардаги лингвомаданий жиҳатлар, одатда, дискурсдаги прагматик жиҳатларнинг юзага келиши натижасида намоён бўлади. Мақол бирликларнинг дискурсдаги прагматик жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) *модал муносабат*; 2) *ахлоқий даража*; 3) *интеллектуал даража*; 4) *эстетик даража*; 5) *динамиклик даражаси*; 6) *меъёрийлик даражаси*; 7) *эмоционаллик даражаси*; 8) *фойдалилик даражаси*.

Бу прагматик белгилар асосида мақол ва маталларнинг халқ томонидан нима учун яратилганлиги, нима учун ҳозиргача эскирмаганлиги, нима учун айримлари истемолдан чиқиб кетган-у, бошқалари ҳалигача ишлатилиб келинаётганлигини изоҳлаб бериш мумкин.

Ҳар бир халқ (миллат) ҳар қандай мақолда модал муносабатларни ўз ҳолича ифодалайди ва ифода воситаларини танлашда ўзининг ички ҳамда ташқи имкониятларидан фойдаланади. Ўзбек тилида *Томдан тараша тушгандай* матали фаол қўланади. У “кўқисдан”, “кутилмаганда” каби маъноларни ифодалайди. Масалан, *Томдан тараша тушгандек қилиб*,



Авазматов мени тўсатдан ишдан бўшатиб юборди (С.Сиёев, Оғир вазли жанжалкаш, Б.45). Бу мақолдан сўзловчининг бир қатор модал муносабатларини – *норозилик, кутилмаганлик, тушунмаганлик, ҳайронлик ва асабийлик* мазмунини фаҳмлаш мумкин.

Прагмалингвистик меъёрлардан бири – бу, интеллектуал даражани воқелантирувчи мақоллар бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу нарсага, хоҳ у инсон, сифат ёки муносабатлар бўлсин, рационал тарзда баҳо беради ҳамда ҳар бир халқ ўз мақолларида ақлий мезонни халқ ментал бойликлари заҳиралари ҳажми талаб ва йўналишларидан келиб чиқиб белгилайди. Масалан, *Олим адашса, олам қоқилар* (инглиз тилидаги эквиваленти: *Fools cut their fingers, but wise men cut their thumbs*); *Билимли мингни йиқар* (инглиз тилидаги эквиваленти: *Know smb. as one know his ten fingers*); *You cannot catch old birds with chaff* (сўзма-сўз таржимаси: “Эски қушларни сомон билан тута олмайсиз ёки ақлли ва тажрибали одамни аҳмоқ қилиш қийин”) ва бошқалар.

Иккинчи бобнинг “*Ўзбек, инглиз тилидаги мақол ва маталларнинг концептуал-семантик структураси*” деб номланган 2-фаслида мақол ва маталларнинг манбалари, ўзлаштирилиши ва семантикаси, статистикаси ўрганилган.

Мақол ва маталларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш уларни илмий жиҳатдан ўрганишни талаб қилади, уларнинг қисқа ҳамда лўндалиги, ёдлаб олиш учун осонлиги ва бошқача таъсир ўткази олмагани учун олимлар ва нотиклар ўзларининг чиқишларида улардан унумли фойдаланганлар<sup>26</sup>.

Англия мисолида гапириладиган бўлса, XIV асрда мақол ва маталларни ўрганишда аниқ бир мақсадга йўналтирилган илмий изланиш йўқлиги сабабли, олимлар уларнинг сонини ва келиб чиқиш манбаларини аниқлаш билангина чегараланишган. Ўша даврда Англияда 12 мингга яқин мақол тарзидаги иборалар бор эди ва улар мунтазам равишда халқ тарафидан оғзаки ва ёзма нутқда қўлланилар эди. XV асрда Англияда мавжуд ҳикматли иборалардан тўплам яратиш аънанаси мавжуд бўлиб, улар ҳаттоки латин тилидаги таржимаси билан берилар эди. Ана шундай тўпламлардан бири Эразм Роттердамскийнинг “Маталлар” номли асари<sup>27</sup> ҳисобланади. Кейинроқ Англияда ҳикматли ибораларни ўз ичига олган бир қанча тўпламлар пайдо бўлди. Улар компилятив характерга эга бўлиб, ундаги мақол ва маталлар Э.Роттердамскийнинг тўпламларидан олинган.

Ҳозирги замон инглиз тилида энг кенг тарқалган мақол бирликларнинг этимологик таҳлиллари уларнинг 61.5% ини (шу жумладан, Америка инглиз тилида 2.5% ва бошқа тилларда 38.5%) ташкил қилган.<sup>28</sup>

Ўзлаштирилган мақол бирликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) классик Европа тилларидан (26%);
- 2) ҳозирги Европа тилларидан (11.5%), немис тилидан (0.5%);

<sup>26</sup> Сидоркова Г.Д. Прагматика паремии: пословицы и поговорки как речевые действия. – Краснодар, 1999. – С.249.

<sup>27</sup> Роттердамский Э. Пословицы. – Англия, 1500. – Б. 28.

<sup>28</sup> Eugene E. Ivanov and Julia A. Petrushevskaja. Etymology of English proverbs // Journal of Siberian Federal University. Humanities & Social Sciences, 2015. – № 8. – P.864-872.

3) лотин ва грек тилларидан олинган мақол ва маталларда лотин тили 6% ҳолатда оралиқ тил вазифасини бажарган. Бу икки тилдан ўзлаштирилган жами мақол бирликлари 20% ни ташкил қилган.<sup>29</sup>

Инглиз халқ мақол ва маталларининг келиб чиқиши, манбалари жуда хилма-хил бўлиб, унинг тарихий динамикаси, инглиз маданиятининг миллий ўзига хослиги ва дунёдаги бошқа миллатлар маданияти билан алоқалари натижалари орқали белгиланади. Инглиз мақол ва маталларининг асосий манбалари фольклор, муқаддас китоблар, адабиёт, айниқса, Уильям Шекспирнинг асарлари ҳисобланади.

Ўзбек паремиологик бирликларининг тарихи ҳам қадим минг йилликларга бориб тақалади. Масалан, энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлган Ўрхун-Энасой битиклари тилида ҳам уларнинг табиатига хос конструкцияларни учратиш мумкин: *“Ориқ ва семиз буқани биров тезагидан билса, биров ориқ ва семиз буқани ажрата олмайди”*; *“Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш, ингичка йўгон бўлса, узадиган баҳодир эмиш”* каби.

“Ўзбек халқ мақоллари”<sup>30</sup> (1989) тўпламида 9072 та мақол бор. Улар 70 та мазмуний гуруҳлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир семантик гуруҳ ўрта ҳисобда юздан ортиқ мақолни қамраб олади.

Биз концептуал категоризация қонунларига асосланган ҳолда мақол ва маталларнинг асосий гуруҳлари (11 та концептуал бирлашмалар)ни белгилаб, таснифлаб чиқишга ҳаракат қилдик (иловадаги 1-жадвал). Жадвалнинг 11-пункти, яъни аввалги 10 та мазмуний гуруҳга мансуб бўлмаган мақол ва маталларнинг сони жуда кўп, яъни 3313 та бўлиб, бу умумий миқдорнинг 36.5% ини ташкил қиладди. Масалага бироз ойдинлик киритиш мақсадида биз ўзимиз танлаган 10 та концепт ва тўплам муаллифлари танлаган семантик-мазмуний гуруҳлар номларини (70 та йўналиш) уни боғловчи ўзига хос “кўприк” ишлаб чиқдик (иловадаги 2-жадвал).

Баъзи мақоллар ўзида гендер хусусиятларини ҳам намоён этади. Маскулинлик белгиси мақол бирликларини яратиш ҳамда қўллашда катта аҳамиятга эга. Барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилида ҳам мақол ва маталлар эркаклар томонидан яратилгандек таассурот уйғотади, аниқроғи, уларда эркаклар интеллекти сезилиб туради. Шундай бўлса-да, айрим мақол ва маталларнинг ижодкори аёллар эканлигини англаш у қадар қийин эмас. Масалан, *Кетмон чопмоқ – олмоқ-солмоқ, / Қўш ҳайдамоқ – бормоқ-келмоқ. // Ўроғ ўрмоқ – ўйнамоқ, / Ҳай-ҳай ишининг оғири – Ҳамир қилмоқ, нон ёпмоқ.* Мазкур мақолни муомалага киритган инсоннинг аёл эканлиги (феминистик табиати) эркаклар юмуши, иш-фаолиятини ўта жўн баҳолашидан маълумдир.

Иккинчи бобнинг 3-фасли *“Турли тиллардаги мақол ва маталларни бошқа маданият вакиллари томонидан идрок этилиши муаммолари”* деб номланади.

С.Г.Тер-Минасова тилни маданият сақланадиган хазинага қиёслайди. Унинг фикрича, “тил маданий қадриятларни ўз таркибидаги лексика,

<sup>29</sup> Eugene E. Ivanov and Julia A. Petrushevskaya. Etymology of English proverbs // Journal of Siberian Federal University. Humanities & Social Sciences, 2015. – № 8. – P.864-872.

<sup>30</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Мусақулов А. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1989. – Б.323.

грамматика, идиоматикада, мақол ва маталларда, халқ оғзаки ижодида, бадий ва илмий адабиётларда, қолаверса, оғзаки ва ёзма нутқда сақлаб келади”<sup>31</sup>.

Тиллар паремиологик фондида халқ маданиятининг акс этиш ҳолатини икки тил материалида ўрганиб чиқиш масаланинг оптимал ечимига олиб келади. Биз мазкур диссертацион ишимизда инглиз ва ўзбек тиллари мақол фондидан олинган айрим концептосфераларни ўрганиб чиқиш билангина қифояланамиз. Чунки икки тилнинг мақол фондида “она”, “ватан”, “бахт”, “меҳнат” концептларини воқелантирадиган мақол ва маталларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш орқали ҳар икки тил учун умумий ҳолат, яъни мақол фондининг асосини ташкил қилувчи концептуал-маданий кодни ва уларнинг функционал фаоллигини аниқлаш, далиллаш мумкин бўлади.

